

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ БУХОРО ТАБИИЙ
РЕСУРСЛАРНИ БОШҚАРИШ ИНСТИТУТИ**

САКСОНОВ УМИДЖОН САТТОРОВИЧ

**ЯНГИ ЎЗЛАШТИРИЛГАН ЧЎЛ МИНТАҚАСИНИНГ СУР ТУСЛИ
ҚЎНҒИР ТУПРОҚЛАРИ ШАРОИТИДА КУЗГИ БУҒДОЙНИ
ТЕЖАМКОР СУҒОРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ
(БУХОРО ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

06.01.02 – Мелиорация ва суғорма дехқончилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

УЎТ: 631.675.2; 633.11.

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on agricultural sciences**

Саксонов Умиджон Сатторович

Янги ўзлаштирилган чўл минтақасининг сур тусли қўнғир тупроқлари шароитида кузги буғдойни тежамкор суғориш технологияси (Бухоро вилояти мисолида)..... 3

Саксонов Умиджон Сатторович

Водосберегающая технология орошения озимой пшеницы в условиях новоосвоенных серо-бурых почв пустынной зоны (на примере Бухарской области)..... 21

Saksonov Umidjon Sattorovich

Water-saving irrigation technology for winter wheat in grey-brownish soils of newly developed desert zones (Case study: Bukhara region)..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ БУХОРО ТАБИИЙ
РЕСУРСЛАРНИ БОШҚАРИШ ИНСТИТУТИ**

САКСОНОВ УМИДЖОН САТТОРОВИЧ

**ЯНГИ ЎЗЛАШТИРИЛГАН ЧЎЛ МИНТАҚАСИНИНГ СУР ТУСЛИ
ҚЎНҒИР ТУПРОҚЛАРИ ШАРОИТИДА КУЗГИ БУҒДОЙНИ
ТЕЖАМКОР СУҒОРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ
(БУХОРО ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

06.01.02 – Мелиорация ва суғорма дехқончилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясида B2023.3.PhD/Qx1176 рақами билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация иши "Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти" МТУ Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.psuyaiti.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz) да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Жўраев Анвар Курбонович**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар: **Норқулов Усмоқул**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Дурдиев Нормат Ҳасанович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим.


Етакчи ташкилот: **Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти.**


Диссертация химояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузурдаги илмий даражалар берувчи DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 рақамли илмий кенгашнинг « 3 » « 12 » 2024 йил соат 9:30 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника МФЙ УзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37, e-mail: paxtauz@mail.ru)


Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 175 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника МФЙ, УзПИТИ кўчаси. ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37.

Диссертация автореферати 2024 йил « 18 » « 11 » да тарқатилди.
(2024 йил « 19 » « 11 » даги 1 рақамли реестр баённомаси).



 **Ш.Н.Нурматов**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор.

 **Ф.М.Хасанова**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.н., профессор.

 **Ж.Х.Ахмедов**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда буғдой етиштириш қишлоқ хўжалигининг муҳим қисми бўлиб, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг асоси бўлиб ҳисобланади. 2027 йилга келиб, озиқ-овқат ва ичимликларни қайта ишлаш саноатининг глобал истеъмоли ва талабининг ортиши натижасида буғдой бозори 169,1 миллиард АҚШ долларига етиши кутилмоқда. Бугунги кунда дунёда тахминан 785 миллион тонна буғдой дони ишлаб чиқарилади ва истеъмом қилинади. Энг йирик буғдой етиштириш бўйича саноатлашган давлатлар АҚШ, Канада, Германия, Франция ва Австралия ҳисобланади. Хитой, Ҳиндистон, Россия, Покистон ва Украина ривожланаётган давлатлар орасида энг йирик буғдой ишлаб чиқарувчилар ҳисобланади¹. Дунёда глобал иқлим ўзгариши ҳамда сув тақчиллиги кучайиб бораётган даврда кузги буғдойдан юқори ва сифатли ҳосил олиш учун сув тежовчи технологияларни амалиётга тадбиқ этиш ва янада такомиллаштириш борасидаги илмий изланишлар долзарб бўлиб турибди.

Дунёда бугунги кунда иқлим ўзгариши шаротида кузги буғдойдан юқори ва сифатли ҳосил олиш учун тупроқ-иқлим шароитларига мос бўлган кузги буғдойнинг навларини етиштириш, ерни ва уруғни экишга тайёрлаш, экиш усули, меъёри, муддатлари, органик, минерал ўғитлар билан озиқлантириш, суғориш тартиблари, меъёри ва муддатларини аниқлаш билан бир қаторда сув тежовчи технологияларни амалиётга тадбиқ этиш ва янада такомиллаштириш борасида кўплаб изланишлар олиб борилмоқда. Айнан, сув танқислиги шароитида кузги буғдойни етиштиришда тупроққа гидрогель полимер бирикмасини қўллаш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар ўтказиш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 февралдаги ПҚ-5005-сон “Ўзбекистон Республикасида Сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021-2023 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги² қарорида таъкидланишича, Республикамизда кузги буғдойдан юқори ва сифатли ҳосил олиш учун тупроқ-иқлим шароитларига мос бўлган кузги буғдойнинг навларини етиштириш, ерни ва уруғни экишга тайёрлаш, экиш усули, меъёри, муддатлари, органик, минерал ўғитлар билан озиқлантириш, суғориш тартиблари, меъёри ва муддатларини аниқлаш билан бир қаторда сув тежовчи технологияларни амалиётга тадбиқ этиш ва янада такомиллаштириш борасидаги илмий изланишлар долзарб бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сон “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг

¹ <https://www.developmentaid.org/news-stream/post/164663/wheat-producing-countries>

² <https://lex.uz/docs/5307918>

2020-2030 йилларга мўлжалланган Концепцияси” тўғрисидаги фармони, “Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2022 йил 1 мартдаги ПҚ-144-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кузги дон экинларидан юқори ва барқарор, сифатли ҳосил етиштириш учун мамлакатимизнинг турли тупроқ-иклим шароитларида уларнинг экиш муддатлари, суғориш тартиблари, маъданли ўғитларни қўллаш меъёрлари ва муддатларини ўрганиш ҳамда кузги дон экинларини етиштиришда сув тежовчи технологияларни жорий қилиш бўйича Р.Сиддиқов, Н.Халилов, Б.Халиков, А.Аманов, А.Шеров, С.Исаев, А.Нурбеков, П.Бобомирзаев, А.Жўраев, Ф.Жўраев, Ф.Болтаев, У.Жураев, С.Бабажанова, С.Болтаев, М.Мухаммадиева ва бошқалар, хорижда В.Чирков, В.Городничев, И.Костоварова, Хууи Feng, Muhammad Umair, Tabassum Hussain каби таниқли олимлар томонидан кенг қамровли илмий тадқиқот ишлари олиб борилган ва керакли тавсиялар берилган.

Бирок, янги ўзлаштирилган чўл зонасининг сур тусли қўнғир тупроқлари шароитида маҳаллий гидрогелларни тупроққа қўллаш асосида кузги буғдойни суғориш технологияси ва тартиби самарадорлигини ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институтининг илмий тадқиқотлар режасини “Янги ўзлаштирилган чўл зонаси тупроқлари шароитида маҳаллий гидрогеллар асосида кузги буғдойни тежамкор суғориш технологиясини ишлаб чиқиш” (Бухоро вилояти мисолида) (2021-2023 йй.), Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO) ни “Марказий Осиё ва Туркиянинг қурғоқчил ва шўрланган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ландшафтларида табиий ресурсларни комплекс бошқариш” (GCP/SEC/293/GFF) лойиҳаси (2019-2023 йй.) ҳамда Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирлигининг 16/2022-сонли “Фойдаланишдан чиққан, янги ўзлаштирилаётган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда комплекс мелиоратив тадбирларни қўллаш, сув ресурсларини иқтисод қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш” мавзусидаги хўжалик шартномаси доирасида бажарилган (2022-2022 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади: Бухоро вилоятининг янги ўзлаштирилган чўл зонасидаги сур тусли кўнғир тупроқлари шароитида маҳаллий хом ашёлардан синтез қилинган кучли шишувчан гидрогель полимер бирикмасини қўллаб, кузги буғдойнинг “Старшина” навини сув тежамкор суғориш технологиясини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Бухоро вилоятининг янги ўзлаштирилган чўл зонасидаги сур тусли кўнғир тупроқларининг сув-физик ва агрохимёвий хоссаларини аниқлаш;

маҳаллий хомашёлардан синтез қилинган кучли шишувчан гидрогель полимер бирикмасини қўллаб, кузги буғдойнинг сув тежамкор суғориш технологиясини ишлаб чиқиш;

гидрогель полимер бирикмасини қўллаш асосидаги кузги буғдойнинг сув тежамкор суғориш технологиясини тупроқнинг намлик ва туз режимига таъсирини аниқлаш;

гидрогель полимер бирикмасини қўллаш асосидаги кузги буғдойнинг сув тежамкор суғориш технологиясини унинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш;

чўл зонасининг янги ўзлаштирилган сур тусли кўнғир тупроқларида гидрогель полимер бирикмасини қўллаш асосидаги тежамкор суғориш технологиясида етиштирилган кузги буғдойнинг сув истеъмолини аниқлаш;

маҳаллий хомашёлардан синтез қилинган кучли шишувчан гидрогель полимер бирикмасини қўллаш асосидаги кузги буғдойни сув тежамкор суғориш технологиясининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқот объекти сифатида Бухоро вилоятининг янги ўзлаштирилган чўл зонасидаги сур-тусли кўнғир тупроқлар, маҳаллий хом ашёлардан синтез қилинган кучли шишувчан гидрогель полимер бирикмаси, кузги буғдойнинг “Старшина” нави ва уни сув тежамкор суғориш технологияси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, Бухоро вилоятининг янги ўзлаштирилган чўл ҳудудларида тарқалган сур-тусли кўнғир тупроқлари шароитида маҳаллий хом ашёлардан синтез қилинган кучли шишувчан гидрогель полимер бирикмасини тупроққа киритиш асосидаги кузги буғдойнинг Старшина навини сув тежамкор суғориш технологиясининг кузги буғдойни сув истеъмоли, ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги, иқтисодий самарадорлиги ва ерларнинг мелиоратив режимига таъсири ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Дала, лаборатория тадқиқотлари ва фенологик кузатувлар Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг “Дала тажрибаларни ўтказиш услублари” (ЎзПИТИ) га асосан бажарилди. Шунингдек, тупроқларнинг сув-физик хоссалари, агрохимёвий кўрсаткичлари ва тупроқ таркибидаги тузлар миқдори «Методика агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных районах», «Методы агрофизических исследований почв Средней Азии», «Методы агрохимических исследований почв Средней Азии» услубларига асосан бажарилиб, олинган маълумотлар аниқлиги ва ишончилиги Б.А.Доспеховнинг «Методы полевого опыта» қўлланмалари асосида компьютер дастурлари ёрдамида статистик таҳлиллар бажарилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Бухоро вилоятининг янги ўзлаштирилган чўл худудида тарқалган сур тусли кўнғир, енгил кумоқ тупроқлари шароитида кузги буғдойнинг “Старшина” навини суғоришда тупроққа гидрогель полимер бирикмасини 100 кг/га меъёрда кузги буғдойни экишдан олдин, далани шудгорлаш даврида қўллашга асосланган сув тежамкор суғориш технологияси ишлаб чиқилган;

гидрогель полимер бирикмасини қўллаш асосидаги сув тежамкор суғориш технологиясида кузги буғдойнинг “Старшина” навининг суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-65 % да суғориш ишлари амалга оширилганда суғориш меъёрлари 532-708 ни, мавсумий суғориш меъёри 3123 м³/га ни ташкил қилиб, назоратга нисбатан 1503 м³/га сув ресурслари иқтисод қилиниши аниқланган;

гидрогель полимер бирикмасини қўллаш асосидаги сув тежамкор суғориш технологиясида кузги буғдойнинг “Старшина” навини дон ҳосили 50,7 ц/га бўлиб, 1 м³ дарё сувлари ҳисобига етиштирилган ҳосил 1513,6 граммни ташкил қилиши аниқланган;

гидрогель полимер бирикмасини қўллаш асосидаги сув тежамкор суғориш технологиясида кузги буғдойнинг “Старшина” навининг умумий сув истеъмоли 5262 м³/га бўлиб, унинг ташкил этувчилари: атмосфера ёғинлари 23,6 % ни, тупроқ наmidан фойдаланганлиги 13 % ни ва мавсумий суғориш меъёри 63,6 % ни ташкил қилиши аниқланган;

гидрогель полимер бирикмасини қўллаш асосидаги кузги буғдойнинг “Старшина” навини сув тежамкор суғориш технологиясида шартли соф фойда 4 млн. 886 минг сўм/га ни ва рентабеллик даражаси 86,3 % ни ташкил қилганлиги аниқланди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сув танқислиги ҳамда сув етказиб беришдаги эксплуатация харажатлари жуда юқори бўлган Бухоро вилоятининг янги ўзлаштирилган чўл худудларида тарқалган сур-тусли кўнғир тупроқлари шароитида кузги буғдойнинг “Старшина” навидан юқори ҳосил етиштириш ҳамда суғоришга ишлатиладиган сув ресурсларини иқтисод қилиш мақсадида гидрогель полимер бирикмасини 100 кг/га меъёрда қўллашнинг самарадорлиги аниқланган;

гидрогель полимер бирикмасини қўллаш асосидаги сув тежамкор суғориш технологиясида кузги буғдойнинг “Старшина” навининг суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-65 % да суғориш ишлари амалга оширилганда суғориш меъёрлари 532-708 м³/га ни ва мавсумий суғориш меъёри 3123 м³/га ни ташкил қилиши аниқланган;

янги ўзлаштирилган чўл худудларида тарқалган сур-тусли кўнғир тупроқлари шароитида кузги буғдойнинг “Старшина” навини гидрогель полимер бирикмасини қўллаш асосидаги сув тежамкор суғориш технологиясида суғориш, суғориладиган ерларда мақбул мелиоратив режимни таъминлаши аниқланган;

гидрогель полимер бирикмасини қўллаш асосидаги кузги буғдойнинг “Старшина” навининг сув тежамкор суғориш технологиясида суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-65 % да суғориш ишлари амалга оширилганда кузги буғдойдан 50,7 ц/га дон ҳосили олиниб, назоратга нисбатан 11,5 ц/га юқори бўлиши ҳамда доннинг сифат кўрсаткичлари оксил миқдори 15,0 % га, клейковина миқдори 28,2 % га ва 1 гектардан клейковина чиқиши 1,4 т/га га тенг бўлиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Лаборатория ва дала тадқиқотлари натижаларига статистик ишлов берилганлиги; амалий ва назарий таҳлилларнинг бир-бирига мос келганлиги; маълумотларга математик-статистик ишлов берилганлиги; тадқиқот натижалари бўйича олинган маълумотларнинг маҳаллий ҳамда халқаро тажрибалар билан таққосланганлиги, олинган хулосалар ҳамда кузатилган қонуниятларнинг бир бирига тўғри келиши; тадқиқот натижаси бўйича олинган натижалар ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги; изланиш натижаси бўйича олинган маълумотларнинг илмий ва амалий анжуманларда кенг миқёсда тақдимот этилганлиги тадқиқот натижаларининг ишончилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти илк бор Бухоро вилоятининг янги ўзлаштирилган чўл ҳудудларида тарқалган сур тусли қўнғир тупроқлар шароитида маҳаллий хом ашёлардан синтез қилинган кучли шишувчан гидрогель полимер бирикмасини қўллаш орқали кузги буғдойнинг сув тежамкор суғориш технологиясини ишлаб чиқилганлиги, гидрогель полимер бирикмасини қўллаш меъёрлари ва муддатлари аниқланганлиги, ушбу технологиянинг суғорма деҳқончилиқни иқлим ўзгариши ва сув танқислигига мослашиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сув танқислиги ҳамда сув етказиб беришдаги эксплуатация харажатлари жуда юқори бўлган Бухоро вилоятининг янги ўзлаштирилган чўл ҳудудларида тарқалган сур-тусли қўнғир тупроқлари шароитида гидрогель полимер бирикмасини қўллаш асосидаги кузги буғдойни “Старшина” навининг сув тежамкор суғориш технологияси амалда қўлланилаётган технологияга нисбатан 1503 м³/га ёки 32% сув ресурсларини иқтисод қилиши ҳамда кузги буғдойдан 50,7 ц/га ёки 29 % юқори ва сифатли дон ҳосили олиниб, кузги буғдой етиштиришнинг рентабеллиги 13,3 % га ошиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Янги ўзлаштирилган чўл минтақасининг сур тусли қўнғир тупроқлари шароитида кузги буғдойни тежамкор суғориш технологияси (Бухоро вилояти мисолида) мавзуси бўйича ўтказилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

“Бухоро вилоятининг янги ўзлаштирилган сур-тусли қўнғир тупроқлар шароитида кузги буғдойнинг “Старшина” навидан юқори ҳосил етиштиришда гидрогел полимер бирикмасининг самарадорлиги” номли тавсиянома ишлаб чиқилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 17 сентябрдаги 05/05-1161-сон маълумотномаси). Натижада ушбу тавсиянома янги ўзлаштирилган сур тусли қўнғир тупроқлар шароитида фаолият олиб бораётган фермер

хўжаликлари ва агрокластерларга, сув хўжалиги ходимлари, илмий тадқиқотчиларга қўлланма сифатида хизмат қилади;

янги ўзлаштирилган сур-тусли қўнғир тупроқлар шароитида кузги буғдойнинг “Старшина” навини сув тежамкор суғориш технологияси Қоровулбозор тумани фермер хўжаликларида жорий этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 17 сентябрдаги 05/05-1161-сон маълумотномаси). Натижада 26 % га сув ресурслари иқтисод қилиниб, кузги буғдойдан 49,5-51,5 ц/га дон ҳосили олинган ва соф фойда 4,5 млн. сўм/га ни, рентабеллик даражаси 80,2 % ни ташкил қилганлиги аниқланган;

янги ўзлаштирилган сур-тусли қўнғир тупроқлар шароитида кузги буғдойнинг “Старшина” навини экишдан олдин тупроққа 100 кг/га меъёрларда гидрогель полимер бирикмаси киритилиб, кузги буғдойни тежамкор суғориш технологиясидаги суғориш тартиблари асосида Қоровулбозор тумани фермер хўжаликларида жами 74 гектар майдонда жорий этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 17 сентябрдаги 05/05-1161-сон маълумотномаси). Натижада кузги буғдойнинг “Старшина” навини суғориш меъёрлари 540-720 м³/га ни ва мавсумий суғориш меъёри 3200 м³/га ни ташкил этиб, 1600 м³/га сув ресурслари иқтисод бўлиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала, ишлаб чиқариш тажрибалари ҳар йили “Тошкент ирригация ва кишлоқ хўжалигининг механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқотлар университети ҳамда унинг Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институти олим ва мутахассислари томонидан ташкил этилган махсус апробация комиссиялари томонидан ижобий баҳоланган, илмий иш натижалари бўйича тайёрланган илмий ҳисобот институт илмий-услубий ҳамда илмий кенгашида муҳокама қилинган, диссертациянинг асосий илмий натижалари 5 марта Республика ва 3 марта халқаро илмий-амалий анжуманларда, жами 8 марта маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация иши натижалари бўйича жами 10 та илмий иш нашр этилган, шундан илмий журналларда 4 та мақола, жумладан, 3 та мақола республика миқёсида ва 1 та мақола хорижий илмий журналда ҳамда 1 та тавсиянома нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация иши кириш қисми, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг умумий ҳажми 120 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, шунингдек республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши

ва апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши, таркиби ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Адабиётлар шарҳи”** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан ўтказилган тадқиқотлардан олинган натижалар, хулоса ва фикрлар батафсил келтирилган, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда полимер бирикмаларидан фойдаланиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар чуқур таҳлил қилинган. Янги ўзлаштирилган чўл минтақасининг сур тусли кўнғир тупроқлари шароитида маҳаллий гидрогелларни тупроққа қўллаш асосида кузги буғдойни суғориш технологияси ва тартибини самарадорлигини ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари бўйича етарлича изланишлар ўтказилмаганлиги сабабли ушбу мавзуда тадқиқот олиб бориш зарурлиги тўғрисида хулоса қилинган.

Диссертациянинг **“Тадқиқотлар ўтказилган ҳудуднинг табиий ва хўжалик шароитлари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жойнинг жойлашган ўрни, ер фонди ва рельефи, иқлим шароити маълумотлари, геологик ва гидрогеологик шароитлари, тупроқлари ва уларнинг мелиоратив ҳолати бўйича батафсил маълумотлар келтирилган.

Бухоро вилояти Зарафшон дарёсининг кўйи оқимида, қадимдан деҳқончилик қилиб келинган воҳада жойлашган. Вилоят 39°43' шимолий кенгликда ва 64°38' шарқий узунликда жойлашган бўлиб, Бухоро вилояти ҳудудининг рельефи асосан геоморфологик хусусиятларига кўра бирмунча мураккаб хусусиятга эга бўлиб, муракаб текисликлардан ташкил топган. Вилоятнинг энг баланд нуқтаси Қулжуктоғ тизмаси ҳисобланиб, текис юзали плато ва қирлардан (Қорақўл, Денгизқўл, Учбош, Қорақир) ташкил топган. Дарё ва кўл ётқизиклари билан қопланган ва шамол таъсирида вужудга келган аккумулятив текисликлардан иборат бўлиб, воҳада ясси юзали тепаликлар мавжуд бўлиб, ушбу тепаликларнинг баландлиги 5–15 м ни ташкил қилади.

Бухоро вилояти континентал иқлим шароитидан субтропик иқлимга ўтиш чегарасида жойлашган ҳудудлардан биридир. Бухоро воҳаси иқлими ёз ойларида қуруқ тропик ҳаво массалари таъсирида, қишда эса шимолдан, мўтадил кенгликлардан келаётган салқин ҳаво массалари таъсирида шаклланади. Вилоятнинг иқлими тегишли экологик омиллар таъсирида шаклланади. Бунинг натижасида эса вилоятнинг иқлими кескин континентал бўлиб ҳисобланади. Бухоро вилоятида баҳор ойларида намгарчилик юқори, ёзи иссиқ, қуруқ, шамолли ва тиниқ, куз ойлари эса ўзгарувчан, қиши эса совуқ бўлади. Йил давомида ҳарорат одатда -2 °С дан 37 °С гача ўзгариб туради ва камдан-кам ҳолларда -8 °С дан паст ёки 41 °С дан юқори бўлади.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ўтказиш услуби, тажриба тизими ва агротехник тадбирлар таснифи”** деб номланган учинчи бобида тадқиқот ўтказиш услуби ва тажриба тизими, кузги буғдойнинг биологик таснифи, гидрогель полимер бирикмаси таснифи, кузги буғдой етиштиришда ўтказилган агротехник тадбирлар таснифи тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Илмий тадқиқот ишлари Бухоро вилояти Қоровулбозор тумани

“Навбахор” МФЙ худудида жойлашган “Олтин бошок” фермер хўжалигининг янги ўзлаштирилган сур тусли кўнғир, механик таркиби бўйича енгил қумоқ тупроқлари шароитида 2019-2023 йиллар давомида олиб борилган. Тажриба даласи тупроқлари шўрланмаган, сизот сувларининг жойлашиш чуқурлиги 3,0-3,5 метр ва уларнинг минерализацияси 4,1-4,6 г/л ни ташкил этган.

Тадқиқот ишлари 5 та вариант, 3 қайтариқда амалга оширилиб, тажрибалар бир ярусда жойлаштирилди ҳамда ҳар бир қайтариқнинг майдони 500 м² (узунлиги 50 м, кенлиги 10 м), тажриба даласининг ҳисобий майдони - 1500 м² ни, умумий майдони эса, 7500 м² ни ташкил қилган. Илмий изланишлар даласидаги суғориш тартиби, минерал ўғитлар меъёри ҳамда барча агротехник тадбирлар Бухоро вилояти Қоровулбозор тумани янги ўзлаштирилган майдонлар учун тавсия этилган технологик харита асосида олиб борилган.

Мазкур дала тажрибасида барча вариантлар суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-65 % да, ўғитлаш меъёрлари ҳам бир хилда, N-250, P-180, K-90 кг/га меъёрида ҳамда далага кузги буғдойнинг “Старшина” элита нави экилган. Кузги буғдойнинг “Старшина” навининг вегетация даври 223-270 кунни ташкил этиб, ушбу нав қурғоқчиликка, дон тўкилишига ва совуққа чидамли ҳисобланади. “Старшина” навининг 1000 дон дон массаси 36-50 граммни ташкил этади.

Гидрогель полимер бирикмаси ёмғир сувларида ўз вазнига нисбатан 200-300 марта, тупроқларда эса, тупроқ таркибидаги турли тузлар миқдорига қараб 200-250 мартагача кўп сувни сингдира олиш қобилиятига эга ҳисобланади. Гидрогель полимер бирикмаси тупроққа атмосфера ёғинлари ва суғоришга ишлатилган сувлар гидрогель полимер бирикмаси ёрдамида ўсимликлар илдизи ёрдамида истеъмол қилиш имконияти мавжуд. Гидрогель полимер бирикмасининг сувни қабул қилиш қобилияти гидрогелларнинг таркиби ва қайси соҳада қўлланилиши бўйича фарқ қилади. Гидрогель полимер бирикмасининг самарадорлиги асосан суғорма деҳқончиликда қишлоқ хўжалиги экинлари учун сарфланган сувни хўжалик шароитларидан келиб чиққан ҳолда 20-40 % гача тежаш имконияти олимлар томонидан исботланган.

Кузги буғдойни етиштиришда дала танланиб, сўнгра кузги буғдойни экиш учун ер тайёрланган. Экиш учун тажриба майдони шудгорланиб, баланд паст жойлари длинобазис ёрдамида текисланиб, чизель ўтказилган ва 10-12 см ли тишли борона-мола билан икки марта борона-мола ўтказилиб, дала майдони экишга тайёрланган. Кузги буғдой дон экиш сеялкаси ёрдамида 250 кг/га меъёрида сара уруғ сарфланиб, октябр ойининг иккинчи ўн кунлигида кузги буғдойнинг “Старшина” нави экилган. Уруғ экилгандан сўнг 2-3 кун ўтиб тупроқни намлатиш ва уруғни ундириб олиш мақсадида 509-532 м³/га меъёрида суғориш ишлари амалга оширилган.

Ерни экишга тайёрлаш жараёнида уруғни экишдан олдин минерал ўғитлар тупроққа киритилиб, озиқа моддалар миқдори 180 кг/га фосфорли ўғитлар ва 90 кг/га калийли ўғитларнинг 100 % қисми ҳамда азотли

ўғитлардан 70 кг/га миқдорида (29 %) тупроққа киритилган. Азотли ўғитларнинг қолган қисми ўсимликнинг ўсиб-ривожланиш даврида бериб борилди. Тажриба даласида озиқа моддаларнинг йиллик меъёри N-250 кг/га, P-180 кг/га ва K-90 кг/га ни ташкил қилган.

Диссертациянинг **“Кузги буғдойнинг тежамкор суғориш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқот натижалари”** деб номланган тўртинчи бобида тажриба даласи тупроғининг морфологик таснифи, механик таркиби ва агрохимёвий хоссалари, гидрогель полимер бирикмасини қўллаш технологияси, гидрогель полимер бирикмасини қўллашни тупроқнинг сув-физик хоссаларига таъсири, гидрогель полимер бирикмаси қўлланган сув тежамкор суғориш технологиясидаги кузги буғдойнинг суғориш тартиби, тажриба даласида сизот сувларининг сатҳи ва минерализациясини ўзгариши, кузги буғдойни гидрогель полимер бирикмасини қўллаш асосидаги сув тежамкор суғориш технологиясини тупроқнинг туз режимига таъсири, кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва доннинг сифат кўрсаткичларига таъсири, гидрогель полимер бирикмасини қўллаш асосидаги кузги буғдойнинг сув тежамкор суғориш технологиясини ўсимликнинг сув истемолига таъсири ҳамда сув тежамкор суғориш технологиясининг иқтисодий самарадорлиги бўйича маълумотлар баён қилинган.

Диссертациянинг **“Тажриба даласи тупроғининг морфологик таснифи, механик таркиби ва агрохимёвий хоссалари”** деб номланган параграфида тупроқнинг қирқими Бухоро вилояти Қоравулбозор тумани “Навбахор” МФЙ худудида жойлашган “Олтин бошок” фермер хўжалиги даласида 2019 йилнинг сентябр ойи бошида 200 см гача генетик қатламлари ёзма таснифланди ва ушбу қатламлар бўйича тупроқ намуналари олиниб, лаборатория шароитида механик таркиби ва агрохимёвий хоссалари таҳлил қилинган.

Тажриба майдони тупроғи таркибида физик лой (<0,01 мм) заррачалари миқдорида кўра, Н.А.Качинский тавсифи бўйича механик таркиби энгил кумоқ тупроқлар турига хослиги аниқланган. Тупроқ қатламининг 0-102 см қатламгача бўлган қисми механик таркибига кўра энгил кумоқ, 103 см дан 200 см қатламгача бўлган тупроқлар механик таркибига кўра кумлоқ тупроқлардан ташкил топган. Тажриба даласи тупроқлари 6-типга мансуб бўлиб сур тусли кўнғир тупроқлар бўлиб ҳисобланади.

Тажриба даласи тупроғини агрохимёвий тавсифлаш учун тажриба олиб борилган йилларда вегетация бошида ҳамда охирида гумус, умумий азот, ялпи фосфор, ялпи калий ҳамда нитратли азот, ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчан калийнинг (мг/кг) миқдорлари аниқланган. Тажриба даласи тупроғининг ҳайдов 0-40 см қатламида чиринди миқдори 0,751 % ни, ялпи азот миқдори 0,068 % ни, ялпи фосфор миқдори 0,11 % ни ва умумий калий миқдори 0,871 % ни ташкил қилган бўлса, ҳаракатчан нитратли азот миқдори 2,7 мг/кг, ҳаракатчан фосфор 11,2 мг/кг ҳамда ушбу қатламда алмашинувчан калийлар миқдори 58 мг/кг га тенг бўлган. Тупроқнинг 0-100 см қатламида чиринди миқдори 0,197 % ни, ялпи азот миқдори 0,022 %, ялпи фосфор

миқдори 0,04 % ни, алмашинувчан калий миқдори 0,438 % ни, ҳаракатчан нитратли азот миқдори 1,1 мг/кг, ҳаракатчан фосфор миқдори 6,1 мг/кг ҳамда ушбу қатламда алмашинувчан калий миқдори 28 мг/кг ни ташкил қилган.

Шунингдек, гидрогель полимер бирикмасини қўллаш тартиби тадқиқотларнинг дастлабки йилида, яъни 2019 йилнинг куз ойларида кузги буғдойни экишга далани тайёрлаш жараёнида гидрогель полимер бирикмаси 2 босқичда тупроққа киритилган. 1-босқичда гидрогель полимер бирикмасининг 50 % қисми шудгордан олдин тупроқнинг устки қатламига сепилиб сўнгра дала шудгорланган бўлса, иккинчи босқичда чизеллашдан олдин тупроқ устки қатламига гидрогель полимер бирикмаси сепилиб, сўнгра чизелланиб, борона ва мола босилган. Тадқиқотларда назорат, яъни 1-вариантда тупроққа гидрогель полимер бирикмаси киритилмади ва 2-вариантда 50 кг/га меъёрда, 3-вариантда 75 кг/га, 4 ҳамда 5-вариантларда 100 ва 125 кг/га меъёрларда тупроққа гидрогель полимер бирикмаси киритилиб, кузги буғдойни экиш ишлари амалга оширилган.

Диссертациянинг **“Гидрогель полимер бирикмасини қўллашни тупроқнинг сув-физик хоссаларига таъсири”** деб номланган параграфида янги ўзлаштирилган сур тусли кўнғир тупроқлар шароитида тупроқнинг ҳажм массаси амал-ўсув даври бошида 2019 йилда тупроқнинг ҳайдов 0-40 см қатламида 1,38 г/см³ га тенг бўлган бўлса, ҳайдов ости 40-70 см қатламида 1,42 г/см³ га ва бир метрлик қатламда 1,39 г/см³ тенг бўлган.

Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги таҳлил қилинганда, 2019 йилда гидрогель полимер бирикмасини турли меъёрларда тупроққа киритишдан олдин, яъни кузги буғдойни экишдан олдин тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 6-соат давомида ўрганилганда тупроқнинг сув ўтказувчанлиги кузатувларнинг дастлабки 1-соатида 308,3 м³/га ни, 2 ва 3 соатларда 254,2; 175,9 м³/га га тенг бўлган бўлса, кузатувларнинг 4; 5 ҳамда 6-соатларида тупроқнинг сув ўтказувчанлиги мос равишда 142,5; 108,7 ва 102,6 м³/га тенг бўлиб, 6 соат давомида ўртача 1092,2 м³/га ёки бўлмаса 0,303 мм/мин га тенг бўлган.

Кузги буғдой йиғиштириб олингандан сўнг олинган натижаларни таҳлил қиладиган бўлсак, энг кўп сув ўтказувчанлик гидрогель полимер бирикмаси киритилмаган назорат яъни 1-вариантда кузатилган. Бу эса ўз навбатида суғориш меъёрининг катта бўлишига, суғориш сувини фаол қатламдан пастки қатламга сизилиб ўтишига, натижада тупроқдаги намликни сақлаш қобилияти пасайиб кетишидан далолат берган.

Тажриба майдонида тупроқнинг чекланган дала нам сифими (ЧДНС) тажрибаларнинг бошланиш даврида ҳар йили кузги буғдой уруғларини экишдан олдин сув бостириш усули орқали 2X2 метр ўлчамли бўлган майдончада аниқлаб борилган. Тажрибаларнинг дастлабки йилида, яъни 2019 йил тупроқнинг чекланган дала нам сифими (ЧДНС) га нисбатан назорат вариантида ҳайдов (0-40 см) қатламида 13,6 %, 0-50 см қатламда 13,9 % га, 50-70 см қатламда 15,2 % ни ва бир метрлик қатламда бу кўрсаткич 14,1 % га тенг бўлган бўлса, 2, 3, 4 ҳамда 5-вариантларда тупроқ таркибидаги турли

меъёрларда гидрогель полимер бирикмаси киритилганлиги сабабли тупроқнинг чекланган дала нам сифими ҳайдов (0-40 см) ва 0-50 см қатламларда 14,6-15,7 % га тенг бўлган.

Диссертациянинг **“Тажриба даласи тупроғининг суғориш олди намлиги”** деб номланган бўлимида тажриба даласида дастлабки йилда, яъни 2019 йилда тупроққа гидрогель полимер бирикмаси киритилмасдан, кузги буғдойнинг “Старшина” нави етиштирилган назорат, яъни 1-вариантда суғориш ишлари суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 63-69 % га тенг бўлган бўлса, тупроқ вазнига нисбатан бу кўрсаткич 8,9-9,8 % да амалга оширилган. Тупроққа 50 кг/га меъёрида гидрогель полимер бирикмаси киритилган 2-вариантда суғориш ишлари суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 64-72 % да, тупроқ вазнига нисбатан эса 9,5-10,7 % да амалга оширилган. Тажрибаларда тупроққа 75 кг/га меъёрида гидрогель полимер бирикмаси киритилиб кузги буғдой етиштирилган 3-вариантда суғориш ишлари суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 65-72 % да, тупроқ вазнига нисбатан эса 9,8-10,9 % да амалга оширилган. Кузги буғдойни етиштиришда тупроққа 100 кг/га меъёрида гидрогель полимер бирикмаси киритилган 4-вариант ва 125 кг/га меъёрида киритилган 5-вариантда кузги буғдойни суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 65-72 %; 66-72 % да ва тупроқ вазнига нисбатан эса 10,0-11,2 %; 10,3-11,3 % амалга оширилган.

Диссертациянинг **“Гидрогель полимер бирикмаси қўлланган сув тежамкор суғориш технологиясидаги кузги буғдойнинг суғориш тартиби”** деб номланган бўлимида тадқиқотлар давомида 2019-2023 йилларда кузги буғдойнинг “Старшина” навини суғориш тартиблари барча вариантларда Бухоро вилоятининг сур тусли қўнғир, енгил қумоқ, шўрланмаган тупроқлари учун тавсия этилган суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-65 % да амалга оширилган. Суғориш ишлари кузги буғдойнинг “Старшина” навини тупланиш даврида 50 см, найчалаш ва пишиш даврларида эса 70 см қатламдаги етишмаган намлик бўйича амалга оширилган. Кузги буғдойнинг суғориш меъёрини аниқлашда С.Н.Рижовнинг қуйидаги формуласи (1.) дан фойдаланилган.

$$M = (W_{\text{чднс}} - W_x) \cdot 100 \cdot \gamma \cdot h + K, \quad (\text{м}^3/\text{га}) \quad (1.)$$

Тажриба даласида кузги буғдойнинг “Старшина” нави экилгандан сўнг, 2-3 кун ўтиб тупроқни намлатиш ҳамда кузги буғдойни тўлиқ ундириб олиш мақсадида 509-532 м³/га меъёрларда суғориш ишлари амалга оширилган.

Янги ўзлаштирилган чўл зонаси тупроқлари шароитида кузги буғдойни етиштиришда тежамкор суғориш технологиясини жорий қилиш бўйича 2019-2023 йилларда олиб борилган тадқиқотларда тажрибаларнинг назорат яъни 1-вариантида суғоришлар 2-4-1 тизимда 7 марта амалга оширилиб, суғоришлар орасидаги давр 16-19 кунни, суғориш меъёрлари ўртача 532-785 м³/га га тенг бўлган бўлса, мавсумий суғориш меъёри 4626 м³/га ни ташкил қилган. Тупроққа гидрогель полимер бирикмаси 50 кг/га меъёрида киритилган 2-вариантда тажриба йилларида кузги буғдой 2-3-1 тизимда 6 марта суғорилиб, суғоришлар орасидаги давр 15-20 кунни, суғориш меъёрлари 532-748 м³/га ни ва мавсумий

суғориш меъёри эса ўртача 3802 м³/га га тенг бўлиб, назорат вариантыга нисбатан 824 м³/га кам сув сарфланган. Тадқиқотларнинг 3-вариантида кузги буғдой 2-3-1 тизимда 6 марта суғорилиб, суғориш меъёрлари 532-724 м³/га ни, мавсумий суғориш меъёри эса 3697 м³/га ни ташкил қилиб, назорат вариантыга нисбатан 929 м³/га кам сув сарфланган.

Кузги буғдойни етиштиришда тупроққа 100 кг/га меъёрларда гидророгель полимер бирикмаси киритилган 4-вариантда суғоришлар сони дастлабки уч йилда 1-3-1 тизимда 5 марта амалга оширилиб, суғориш меъёрлари 532-708 м³/га ни ва мавсумий суғориш меъёри эса 3123 м³/га ни ташкил қилган бўлса, назорат вариантыга нисбатан мавсум давомида 1503 м³/га кам сув сарфланган. Тажрибаларнинг тўртинчи йилига келиб эса кузги буғдой 2-3-1 тизимда 6 марта суғорилиб, мавсумий суғориш меъёри 3853 м³/га тенг бўлган. Бу эса гидророгель полимер бирикмасининг таъсири тўртинчи йилда пасайганлигини кўрсатган.

